



CHARACTERISTICS OF ORGANIZATION AND CONDUCT OF SPECIAL TRAINING FOR EMERGENCY PREVENTION

Ph.D., B.T.Ibragimov.,

M.Sh.Karimov.,

5th year cadet Sh.S.Salimov (Ministry of Emergency Situations of the Republic of Uzbekistan),

U.Kadirov

(Emergency Situations of the Republic of Uzbekistan) Institute of Civil Defense under the Academy of the Ministry

muzaffar_Karimov_2017@mail.ru, +998913115004

Annotation

The text of the article provides scientifically based views on ensuring the effective elimination of various emergency situations, increasing the independence of the population and territories. If serious deficiencies are identified in the course of fire protection training, conclusions are drawn on the processes that can be used to verify that a series of refresher classes on the subject of deficiencies identified on the site by the decision of the relevant managers is effective and reliable in the planned training. The results of the analysis of tests in which the use of seismic devices with high Flammability allows to reduce the time spent fire fighting, as well as to reduce the time required for liquidation of consequences of earthquakes by reducing the time of fire have been scientifically proven based on experiments. As a result of the training was defined by the legislation, representing a similar increase of priority of the buildings and structures, emergency forces and equipment, and fires and their consequences, due to the increase of fire resistance of building structures samozasiti and improve the efficiency of rescue operations.

Keywords: power, engine, accident, training, parameter, interchange, personnel, engineering, object.

Аннотация:

Мақола матнида содир бўлаётган турли фавқулодда вазиятларнинг самарали бартараф этишни таъминлаш, аҳоли ва худудларнинг мухандислик мухофазасини такомиллаштириш борасида илмий асосланган фикрлар юритилган. Ёнфинга қарши ҳимоя бўйича машғулотни ўтказиш чоғида жиддий камчиликлар аниқланганда тегишли раҳбарлар қарори билан объектда аниқланган камчиликлар мавзуси бўйича қайтадан машғулотлар кетма-кетлиги, режали машғулотни ўтказишида самарали ва ишончли эканлигини текшириш мумкин



бўлган жараёнлари тўғрисида фикрлар юритилган. Ўтказилган машғулотларни таҳлил қилиш натижалари келтирилган, унга асосан юқори оловбардошликка эга бўлган сейсмик қурилмалардан фойдаланиш ёнғинни ўчиришга сарфланадиган вақтни камайтириш имконини бериши, ёнғинни ўчириш вақтини камайтириш билан зилзила оқибатларини бартараф этиш учун зарур бўлган вақт ҳам камайиши тажрибалар асосида илмий исботланган. Машғулот ўтказиш натижасида сейсмик ҳимояловчи қурилиш конструкцияларининг оловбардошлигини ошириш билан жабрланганларни қутқариш бўйича ҳаракатланиш самарадорлиги қандай ортса, бинолар ва иншоотларнинг устиворлиги ҳам худди шундай ортишини ифодаловчи қонунияти, куч ва воситаларнинг фавқулодда вазият ҳамда ёнғинларни бартараф этиш ва унинг оқибатлари ҳисоби аниқланган.

Калит сўзлар: куч, восита, авария, машғулот, параметр, ораёпма, штаб, мухандислик, объект.

Аннотация: В тексте статьи приводятся научно обоснованные взгляды на обеспечение эффективной ликвидации различных чрезвычайных ситуаций, повышение самостоятельности населения и территорий. При выявлении серьезных недостатков в ходе обучения по противопожарной защите выносятся заключения о процессах, с помощью которых можно проверить, что серия занятий по переподготовке на тему недостатков, выявленных на объекте по решению соответствующих руководителей, эффективна и достоверна при плановом обучении. Представлены результаты анализа проведенных учений, в которых использование сейсмических устройств с высокой воспламеняемостью позволяет сократить время, затрачиваемое на тушение пожара, а также сократить время, необходимое для ликвидации последствий землетрясений за счет сокращения времени тушения пожара, были научно доказаны на основе экспериментов. В результате проведенной подготовки было определена закономерность, представляющая собой повышение огнестойкости сейсмозащитных строительных конструкций и устойчивости зданий и сооружений также аналогичное повышение эффективности спасения пострадавших, а также определён расчёт сил и средств для ликвидации пожаров и чрезвычайных ситуаций, их последствий.

Ключевые слова: мощность, двигатель, авария, обучение, параметр, взаимообмен, персонал, инженерия, объект.



Ҳозирги кунда содир бўлаётган турли фавқулодда вазиятларнинг самарали бартараф этилишини таъминлаш долзарб масалалардан ҳисобланади. Албатта, бу борада дунё олимлари томонидан ёнгин, портлаш ва турли факулодда вазиятларнинг ўз вақтида самарали бартараф этилишини таъминлаш ҳамда ёнгин-қутқарувчиларнинг касбий фаолиятларни янада яхшилаш, ёнгин-қутқарув бўлинмаларининг куч ва воситаларига хавф келтирувчи турли (портлаш, ёнгин, бино конструкцияларининг бузилиши каби) омилларни олдини олиш мақсадида замон талабларига мос равишда техник мослама ва воситалар яратилиб, ҳаётга татбиқ этилиб келинмоқда. Аҳоли ва худудларнинг муҳандислик муҳофазасини таъминлаш борасида айrim муаммоларнинг конструктив ечимини топишда изланишлар олиб бориш тақозо этилмоқда.

Ёнгин ўчириш техникалари қанчалик мукаммал бўлмасин, ёнаётган маҳсулотларнинг тури ва унинг ўчирилишини таъминловчи воситанинг тўғри танланишига боғлиқ бўлади. Ушбу йўналишда ҳозирги кунда Республикаизда “Ёнгинларни бартараф этиш учун сирти фаол моддалар ёрдамида барқарор кўпик ҳосил қилувчи моддалар таркибини ишлаб чиқиш” ҳам катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Ёнгинларни бартараф этишда сирти фаол кўпик ҳосил қилувчи моддаларнинг таркибини ўрганиш ҳамда ушбу моддалардан фарқ қилувчи, маҳаллий хом-ашёлар асосида тайёрланган янги таркибни ишлаб чиқиш ва иқтисодий жиҳатдан самарали эканлигини хисоб ишлари орқали аниқланди.

Саноатнинг кўплаб соҳаларида ёнгин хавфининг ортиб боришини инобатга олган ҳолда ёнгин ўчиргичларнинг сифатини янада яхшилаш ва улардан фойдаланувчиларга қўллаш тартиби ва усусларини амалда мукаммал ўргатиб борилишини йўлга қўйиш ҳамда фойдаланиш тармоқларини кенгайтириш масалаларини ҳал этиш талаб этилади. Ёнгин ўчиргичлар асосан ёнгинларни бошланғич даврларида ёнгин-қутқарув бўлинмаларининг ёнгин жойига етиб келгунига қадар дастлабки ўчириш чораларини қўллашда самарали восита ҳисобланади.

Шундай қилиб, ёнгин ўчириш воситасининг юқори ҳароратда ўзгариши, уларнинг таркибини тайёрлаш услуби ва дастлабки таркибларнинг табиатига боғлиқлиги билан аниқланди.

Алоҳида муҳим обьектлар бўйича хавфсизлик таъминоти масалаларини ечишнинг энг самарали методларидан бири – бу қўмондонлик штаби машғулотлари (ҚШМ)ни ўтказишидир.



Зилзилалар сўнг иккиламчи омил сифатида юзага келадиган ёнғинларнинг оқибатларини бартараф этишга ажратилган вақтни қуидаги формула билан ифодалаш мумкин.

$$\text{л123,} \quad (1)$$

бунда $\Sigma\tau_1$ – тезкор вазиятни аниқлаш учун;

$\Sigma\tau_2$ – бошқарув қарорини қабул қилиш учун вақт;

$\Sigma\tau_3$ – тезкор аралашув учун вақт;

$$\text{л1c2c}PcBTc, \quad (2)$$

бунда

$\Sigma\tau_{\text{п}}$ – куч ва воситаларни таёrlаш учун вақт;

$\Sigma\tau_{\text{вт}}$ – ёнғинни локализациялаш ва/ ёки ўчириш учун вақт; τ_c

– сон (миқдор) бўйича τ_4 га интилдиган вақт, яъни $\tau_c = \tau_4$.

Назарий жиҳатдан операция раҳбари ёнғинни бартараф этиш бўйича ўз ихтиёрига қандайдир τ_4 вақтни олади, у бу вақтни операциянинг исталган босқичини амалга оширишга сарфлаши мумкин. Бу версияни текшириш учун қаралаётган имкониятни экспериментал текшириш бўйича машғулотлар режаси ишлаб чиқилган.

Бундай машғулотни ўтказишдан кўзланган мақсад қуидагилардан иборат:

- машғулот вақтинчалик параметрларининг ҳаққоний вазиятга мос келишини олинган фомулаларга асосланиб текшириш;
- ёнғинга қарши ҳимоя режаларининг ҳаққонийлигини текшириш ва ёнғинга қарши ҳимоя ҳолатини баҳолаш;
- ёнғин хавфсизлиги давлат хизмати (шу жумладан қўнгиллилар) тузилмаларининг таҳдид уюштирилганда ва ёнғин рўй берганда ҳаракатланишга кўрган тайёргарлигини текшириш;
- ташкилотлар (объектлар)нинг ишчилари ва ходимларини, ўқув муассасаларининг иштирокчиларини ҳаракатланиш қоидалари ва усуллари, хавфсизлик чора-тадбирлари ҳамда ёнғин рўй берганда ўзини ирова қилиш қоидаларини ўргатиш (ўқитиш);
- раҳбарлик қилувчи таркибга ёнғинга қарши ҳимояни ташкил этиш, ёнғин рўй берганда ташкилотлар (объектлар) ишли-ходимларини ҳимоя қилиш бўйича тадбирларни бажаришда назарияни амалиёт билан боғлашга имкон бериш; -ЎЗР ФВВ ёнғин хавфсизлиги давлат хизмати тузилмаларининг объект АҚХ-авария-қутқарув хизмати (АҚТ – авария-қутқарув тузилмалари) билан ўзаро ҳаракатланишини ташкил этиш ва ўтказиш.



- ёнғинга қарши машғулотларни ўтказишидан кўзланган асосий мақсад ёнғин хавфсизлигини, таҳдид уюштирилганда ва ёнғин рўй берганда ташкилот (объект) раҳбарияти ҳамда ишчи-ходимларининг тӯғри ҳаракат қилиш бўйича тайёргарлигини ошириш.

Ёнғинга қарши ҳимоя бўйича кўзда тутилган машғулотлар ва машқлар ташкилот (объект)лар раҳбарларининг ёнғин хавфсизлиги бошқариш органлари раҳбарлиги билан ўзаро ҳамкорлигига ташкил этилади ва ўтказилади. Машғулот раҳбарига ёрдам кўрсатиш учун бошқариш гуруҳи (йирик объектларда бошқарув штаби) тузилади ва машғулот раҳбари ёрдамчилари унинг ўринbosарларидан тайинланади [1].

Машғулотга объеккт Фавқулодда вазиятларни огоҳлантириш ва бартараф этиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича комиссия (ФВК) бўлими, ёнғин хавфсизлиги тузилмалари, АҚХ (АҚТ) раҳбарияти, ходимлари ва объектнинг бутун персонали ёки ишлаётган сменанинг бир қисми жалб этилади. Олдинга қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда ёнғинга қарши ҳимоя бўйича машғулот раҳбари ва машғулот бошлиғи ҳамда унинг ёрдамчилари гуруҳи (штаби)нинг бурчлари фавқулодда вазият бўйича комплекс машғулотларни тайёрлаш ва ўтказишида кўрсатилган шахсларнига ўхшашибўлади.

Ташкилот (объект)да ёнғинга қарши ҳимоя бўйича машғулотларни тайёрлаш ва ўтказиш қуйидаги хужжатларга мос келмоғи лозим:

- ташкилот (объект) бўйича машғулот ўтказишига берилган буйруқقا;
- машғулотни тайёрлаш тақвимий режаси (манфаатдор идоралар билан келишилган режа)га;
- машғулотни ўтказиш режасига;
- машғулот раҳбари ёрдамчиларининг шахсий режаларига.

Машғулотларнинг давомийлиги мавзуга боғлиқ ва қоидага кўра, иккита босқичда ўтказилади.

Биринчи босқичда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва таҳдид уюштирилганда ҳамда ёнғин рўй берганда ҳаракатланиш қоидалари ўқитилади.

Иккинчи босқичда ташкилот (объект) персонали, ишлаб чиқариш фондлари ва моддий воситаларини ҳимоя қилиш бўйича савол ва масалаларни қайта кўриб чиқиш, қайта ишлаб чиқиш, ёнғинларни локализация ва ўчиришда ёнғинга қарши ҳимоя бўйича тадбирларни ўтказиш.

Биринчи босқичнинг мақсади ёнғин хавфсизлиги асосларини ва ёнғин вақтида қутқариш усуллари, ёнғин рўй берганда ҳаракатни ташкил қилиш ва тартибга



солиш асослари, ёнғинларни локализациялаш ва ўчириш воситаларининг имкониятларини ўрганишдан иборат.

Машғулот биринчи босқичининг ўқув саволлари ва масалалари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- ёнғиннинг шикастлантирувчи омилларини, уларнинг персонал ва обьектга кўрсатадиган таъсирини, жойдаги шароитларни инобатга олган ҳолда олов тарқалишининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;
- ёнғин хавфсизлиги асослари, ёнғин тўғрисида огоҳлантириш ва уни локализациялаш усуллари;
- обьектнинг ёнғинга қарши режасини ўрганиш;
- ёнғин хавфи ва ёнғин рўй берганлиги ҳақида хабар бериш тартиби;
- “Ёнғин тревогаси” сигнали бўйича ҳаракатланиш тартиби;
- ёнғин пайтида қутқарув воситалари, улардан фойдаланиш тартиби ва қоидалари, уларни обьектга ўрнатиш жойлари;
- ёнғинларни локализациялаш ва ўчиришнинг техник воситалари, уларни обьектга жойлаштириш, улардан фойдаланиш тартиби;
- ёнғиннинг шикастлантирувчи омиллари таъсир қилганда биринчи тиббий ёрдам) бериш чора-тадбирлари.

Кўнгилли ёнғинга қарши тузилмаларнинг шахсий таркибига шахсий ҳимоя воситаларини тайёр ҳолатга келтириш тартибини, ёнғинни ўчиришда ҳамда ва авария-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни (АҚБКИ) бажаришда ҳаракатланиш қоидалари ва ҳаракатни амалга ошириш усулларини ўргатиш.

Иккинчи босқичнинг мақсади – ёнғинлар рўй берганда ёнғинга қарши ҳимоя чора-тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишда ташкилот раҳбарияти ва унинг маъмуриятига амалиёт натижалари бериш. Машғулот иккинчи босқичининг асосий ўқув саволлари ва масалалари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- ёнғин рўй берганлиги аниқланганда ва “Ёнғин тревогаси” сигнали бўйича ҳаракатланиш тартиби;
- ёнғин характеристини, жойини ва хоналар тархини инобатга олган ҳолда обьект ишчи-ходимларини хавфли зона (хона)дан чиқариш;
- ёнғин вақтида қутқариш воситаларидан амалий фойдаланиш;
- жабрланганларга биринчи тиббий ёрдамни амалий кўрсатиш;
- АҚБКИни олиб бориш ва ёнғинни локализациялаш бўйича қўнгилли ёнғинга қарши тузилмаларнинг ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари етиб келгунга қадар амалий ҳаракатланиши.



Босқичлар бўйича ўқув саволларини қайта ишлаш методикаси қуидагилардан иборат бўлиши мумкин.

Биринчи босқичнинг ўқув саволлари ёнғинга қарши ҳимоя бўйича икки-учта маҳсус машғулотларда кўриб чиқилади, ўрганилади, қайта ишланади. Объект ишчи-ходимларининг сонига боғлиқ ҳолда дарслар бир вақтнинг ўзида бутун персонал ёки унинг структуравий бўлинмалари билан олиб борилади. Ҳар бир дарснинг давомийлиги 2 дан 3 соатгача бўлади

Ўрганувчиларга ёнғин хавфсизлигининг асосий тушунчаларини тушунтириш билан уларнинг амалий ҳаракатланиши, объект (ташкилот)нинг ёнғинга қарши ҳимоя режасини ва “Ёнғин тревогаси” сигнали бўйича ҳаракатланиш тартибини англаб олиш, қутқаришнинг техник воситалари ва ёнғига қарши воситаларни кўрсатиш, уларни қўллаш усулларини ва уларнинг имкониятларини намойиш этиш дарслар (машғулотлар)ни ўтказишнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Амалда ҳаракатланишни кўрсатиш билан бир қаторда дарсларда кўргазммали тарғибот-ташвиқот воситаларидан, кино – ва видеофильмлар ҳамда бошқа воситалар кенг фойдаланиш мақсаддага мувофиқдир.

Машғулот иккинчи босқичининг ўқув саволлари ва масалалари, қоидага кўра, ҳар бир дарснинг давомийлиги 4 соатдан иборат бўлган режа асосида ўтилади. Объект (ташкилот) ишчи-ходимларининг сонига ва техник жиҳозларнинг мавжудлигига боғлиқ ҳолда босқичнинг ўқув саволлари ва масалаларини ўрганиш, ишлаш бутун персональ ёки структуравий бўлинмалар бўйича бир вақтнинг ўзида олиб борилади [2].

Ёнғин хавфи тўғрисида хабар бериш, жабрланганларни ҳимоя қилиш ва қутқаришни ташкил этиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш АҚБКИни ва оловни локализациялашни якунлаш бўйича ЁХДХ бошқарув органлари, ФМ тузилмалари ва объект персоналиниң ҳаракатланишини мумкин бўлган вазиятга мос кетма-кетлиқда амалда бажаришни қайта ишлаш ўқитишнинг асосий шакли (усули)ни ташкил этади.

Амалда қуидагиларни қайта ишлаш тақозо этилади:

- ёнғин саросимаси (тревогаси) ҳақида хабардо қилиш;
- ишчи-ходимларни хавфли ҳудуд (бино)дан олиб қишини ташкил этиш ва чиқариш;
- хоналарда қолган жабрлангаларни қутқаришнинг турли воситалари ва усулларидан фойдаланган ҳолда қутқаришни ташкил этиш ва уларни амалда қутқариш;
- жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари;



- кўнгилли тузилмаларнинг хоналарни кўздан кечириши ва мустақил ҳаракатланишга қодир бўлмаган жабрланганларни ушбу хоналардан чиқариш бўйича ҳаракатланиши;
- ёнғин ўчиришнинг асосий воситаларини қўллаш орқали олов ўчоғини амалда локализациялаш.

Машғулотнинг ўқув саволларини қайта ишлашни якунлаш бўйича машғулот раҳбари томонидан тайёргарликдан ўтаётганлаф машғулот иштирокчилари билан умумий сўровнома, савол-жавоб ўтказилади. Сўровнома, савол-жавоб материалларида объектнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда ўрганилаётган мавзунинг долзарблиги, аниқланган камчиликлар ва уларни тузатиш, бартараф этиш бўйича вазифалар белгиланади.

Машғулот якуний натижалари бўйича бошқарув таркиби ва обьект мутахассислари билан алоҳида муҳокама мажлиси ўтказилади. Шундай қилиб, муҳокама қилиш материалларида ёнғинга қарши ҳимоя ҳолати таҳлил қилинади, ижобий томонлар белгиланади ва машғулотни ўтказишда йўл қўйилган камчиликлар, хатоликлар ва уларнинг сабаблари аниқланади. Ёнғинга қарши ҳимоя режасини, моддий-техник таъминотни, бошқарув тизимини ҳамда обьект (ташкилот) ишчи-ходимларини ёнғинга қарши тайёрлашни янада такомиллаштириш бўйича вазифалар олдинга қўйилади.

Ёнғинга қарши ҳимоя бўйича машғулотни ўтказиш чоғида жиддий камчиликлар аниқланганда тегишли раҳбарлар қарори билан обьектда аниқланган камчиликлар мавзуси бўйича қайтадан машғулотлар, машқлар ўтказилиши мумкин.

Режалаштирилган машғулотни ўтказиш конкрет экспериментал натижага бериши тайин, улар ёрдамида ишлаб чиқилган формулаларнинг ишончлиги эканлигини текшириш мумкин. Айнан ўз ихтиёрига Σt_4 ни олган раҳбарнинг имконияти қанчалик ишончлилиги ва у ёнғин оқибатларини бартараф этишнинг исталган босқичида Σt_1 ни қадай сарфласа, Σt_{vt} ни ҳам худди шундай сарфлай олиши мумкинлиги аниқланади.

Машғулотларни ўтказиш учун биноларнинг иккита варианти танланди:

1. Ёнғин хавфсизлиги талаблари ҳисобга олинмаган сейсмик ҳимояга эга бўлган бино, унда юқори олоббардош қурилиш конструкциялари қўлланилмаган.
2. Ёнғин хавфсизлиги талаблари ҳисобга олинган сейсмик ҳимояга эга бўлган бино, бу вариант мазкур иш муаллифи томонидан таклиф этилди. Юқори ёнғин хавфсизлиги билан ҳимоя қилинган сейсмик ҳимоя тизимларида воллостонит, эбонит қўлланилган.



Тошкент шаҳрининг Сергели туманида авария ҳолатига келиб қолган ва бузишга лойиқ деб топилган иккита бир хил икки қаватли бино танланди.

Машғулот шартлари бўйича иккала бино ҳам сейсмикбардошли қурилмалар (тебраниш сўндиргичлари, демпферлар, сейсмик чоклар) билан ҳимоя қилинди. Иккинчи бино биринчисидан фарқли ўлароқ шундай идентик сейсмик ҳимоя билан жиҳозланди, унда юқори оловбардош конструкциялар қўлланилди. Қўшимча зарурий параметрлар бўйича (тадқиқотнинг ишончлилигини ошириш учун) бўлинмалар олдида турган вазифаларни бажаришда вақт йўқотилишига олиб келувчи имитацион коррекция амалга оширилди [3].

Авария ҳолатига келиб қолган иккала бино 2 дақиқа давомида 4-5 баллга тенг бўлган мажбурий тебраниш таъсири берилди. Сейсмик таъсир кўрсатилгандан кейин биноларнинг сейсмик ҳимоя қурилмалари ўрнатилган айнан бир хил жойларида чиқинди ёндирилди. Назорат қилинмаётган 3 та жойда бир хил вақтда бошланган ёнғин 10 дақиқа мобайнида давом этди. Ундан кейин иккала бинода ҳам t_1 , t_2 ёнғинни ўчириш ва $\tau^1_{лик}$, $\tau^2_{лик}$ зилзила оқибатларини бартараф этиш бўйича операциялар ўтказилди.




2-даражали олобардошликка эга бўлган турар-жой ер тўласи 1-расмда вақтинчалик параметрлар: $t_1=12$ дақ; $t_2=10$ дақ.

1 2-даражали олобадошликка

эга бўлган турар-жой ер $t_1 = 12$ дақ
тўласи.

$$\tau_{1лик}=63 \text{ дақ}$$

Вақтинчалик параметрлар:
 $t_1= 2$ дақ
 $t_2= 10$ дақ






2 2-даражали олбадошлика эга бўлган турар-жой ер тўласи.

Вақтинчалик параметрлар:

$$\tau_1 = 2 \text{ дақ}$$


$$\tau_2 = 10 \text{ дақ}$$



$$\tau_2 = 15 \text{ дақ}$$

$$\tau_{\text{лик}}^2 = 92 \text{ дақ}$$

даражали олбадошлика эга бўлган турар-жой ер тўласи 2.-расмда вақтинчалик кўрсатгичлар: $\tau_1 = 15$ дақ; $\tau_2 = 10$ дақ.



Барча ҳолларда бурчакли ёниш кузатилиши ҳақида 3-расмда кўрсатилган. Ёнғинни ўчириш вақтида биринчи бинода сейсмик ҳимоя қурилмаларининг бузилиши туфайли юқори том ора ёпмаси қисман бузилди. Иккинчи бинода сейсмик ҳимоя қурилмаларининг бузилиши рўй бермади, шунинг учун юқори том ора ёпмалари бузилмади. Иккинчи ҳолда ёнаётган жойга тўғридан-тўғри етиб боришининг иложи бўлмаганлиги сабабли сув узатиш учун йўлни тозалашга вақт талаб этилди, бунинг натижасида ёнғинни ўчириш вақти узайди. Иккала бинода ҳам бузилган қисмларни тозалаш ва йиғиширишга вақт талаб этилди. Биринчи бино учун $\tau_{\text{лик}} = 63$ дақ, иккинчи бино учун $\tau_{\text{лик}} = 92$ дақ. Иккала ҳолда ҳам 5 нафар кишидан иборат бўлган

АЦ-40 нинг 2 та бўлими ишлади [4].

Ўтказилган машғулотларни таҳлил қилиш натижалари қўйидагиларни аниқлаш имконини берди:

- юқори оловбардошлика эга бўлган сейсмик қурилмалардан фойдаланиш ёнғинни ўчиришга сарфланадиган вақтни камайтириш имконини беради;
- ёнғинни ўчириш вақтини камайтириш билан зилзила оқибатларини бартараф этиш учун зарур бўлган вақт ҳам камаяди [5].

Машғулот ўтказиш натижасида сейсмик ҳимояловчи қурилиш конструкцияларининг оловбардошлигини ошириш билан жабрланганларни кутқариш бўйича ҳаракатланиш самарадорлиги қандай ортса, бинолар ва иншоотларнинг устиворлиги ҳам худди шундай ортишини ифодаловчи



қонунияти аниқланди. Кучлар ва воситаларни сарфлашнинг аниқланган қонунияти ва куч ва воситаларнинг фавқулодда вазият ҳамда ёнғинларни бартараф этиш ва унинг оқибатлари ҳисоби аниқланади.

Адабиётлар:

1. Ёнғин ўчириш тактикаси (матн) дарслик / А.Х.Кўлдошев, Э.Э.Сабиров, С.С.Султонов. -Т.: Чўлпон номидаги НМИУ, 2017, 656-б.
- 2.Пожарная тактика: Учебник для пожарно-технических училищ/Я.С.Повзик, П.П. Клюс, А.М.Матвейкин.-М.: Стройиздат, 1990, 335 с.
- 3.A.H.Qo'ldoshev, E.E.Sabirov, S.S.Sultonov. Yong'in o'chirish taktikasi.Darslik. O'zbekiston Respublikasi IIV Yong'in xavfsizligi instituti, -Т.: Cho'lpon nomidagi NMIU. 2017. -658 b.
- 4.A.H.Qo'ldoshev, O'.T.Muzafarov, M.B.Musaxojiev. Yong'in o'chirish texnikasi. Darslik. O'zbekiston Respublikasi IIV Yong'in xavfsizligi instituti, -Т.: Cho'lpon nomidagi NMIU. 2018. -500 b.
- 5.www.avtoreviem.ru, www.pozhmashina.ru, www.yvision.kz